

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири ўринбосари**



Б. Кучкаров

2020 йил 11 сентябрь

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори**



А. Рахматов

2020 йил 15 сентябрь.

**“Туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг
малакасини ошириш” курси бўйича**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

ТОШКЕНТ

Ўқув дастури Юристар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил
10 сентябрдаги йиғилишида муҳокама қилинган
ва маъқулланган (3-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон қарори билан тасдиқланган Юридик соҳага
оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларига асосланиб
тайёрланган.

Тузувчилар: **А. Рахматов** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази
директори;

Б. Тошев – Юристар малакасини ошириш маркази
Қонунчилик техникаси ва коррупцияга қарши кураш
экспертиза кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор;

Ч. Октамова – Юристар малакасини ошириш маркази
Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш
бўлими бош мутахассиси.

Такризчилар: **А. Отажонов** – Юристар малакасини ошириш маркази
директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор;

А. Халтурдиев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Кадрлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

СЎЗ БОШИ

Ўқув курсининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларини қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши, туман (шаҳар) адлия бўлимлари фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга, шунингдек соҳага оид психологик билимларга эга бўлишига замин яратади.

Ўқув курсининг мақсади тингловчиларга Туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг касбий фаолиятига оид қонунлардаги янгиликлар ва уларни такомиллаштириш истиқболлари ҳақида назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш ҳисобланади.

Тингловчилар **контингенти** – ўқув дастури Туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар олий юридик маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: малакаси оширишнинг муддати камида 2 икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари:

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортикча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуктаи-назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўткази олиш;

қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нуксонларни, коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортикча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи

қоидалар ва нормаларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлай олиш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги. Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон қарори билан тасдиқланган Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларига асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган талабларга мос келади.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимлари ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулотлари: маъруза – 24 соат, семинар – 18 соат, амалий машғулотларга – 24 ва якуний синовлар учун 6 соат ажратилган.

“Туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Жами
	<i>I-модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари</i>	10	2	-	12
1.	Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари	2	-	-	2
2.	Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари	2	-	-	2
3.	Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган асосий йўналишлар долзарблигининг ўзига хос жиҳатлари	2	-	-	2
4.	Юридик хизмат тушунчаси, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ташкилий тузилиши. Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган низомлар ва бошқа ҳужжатларни амалиётда қўллаш	-	2	-	2

	масалалари				
5.	Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими	2	-	-	2
6.	Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмун ва моҳияти	2	-	-	2
II-модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти		2	8	-	10
7.	Ўзбекистонда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш масалалари (<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида</i>)	-	2	-	2
8.	Ўзбекистонда судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини ошириш, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш масалалари	-	2	-	2
9.	Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда улардаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	-	2	-	2
10.	Ўзбекистон Республикасида медиацияни ҳуқуқий асослари кўллашнинг хусусиятлари ва оқибатлари	2	-	-	2
11.	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш (<i>“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни асосида</i>)	-	2	-	2
III-модуль. Адлия органлари ишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, фаолиятининг асосий йўналишлари		8	6	18	32
12.	Мурожаатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, шу жумладан av.iigo.uz тизимида ишлаш, шунингдек, қонун ҳужжатлари ижросини ташкил этиш масалалари	2			2
13.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси	-	2	-	2
14.	Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш жараёнини мониторинг қилиш ҳамда ваколатли органлар томонидан МЖТКни амалиётда кўллаш масаласи	-	-	2	2
15.	Адлия органларида коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш масалалари	-	2	-	2
16.	Бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судларида даъво кўзғатиш тартиби ва амалиёти	-	-	2	2

17.	Хусусий мулкни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари	-	-	2	2
18.	Ер муносабатларига оид низоларни судда кўриш амалиёти	2	-	-	2
19.	Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартиш ва бекор қилиш	-	-	2	2
20.	Ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг алоҳида хусусиятлари	2	-	-	2
21.	Адлия органлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрганиш ўтказиш тартиби ва ўрганиш натижаси юзасидан тегишли таъсир чораларини қўллаш масалалари	-	-	2	2
22.	Адлия органларининг фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги иштироки	-	2	-	2
23.	Адлия органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши	2	-	-	2
24.	Ваколатли органлар томонидан МЖТКни амалиётда қўллаш масаласи	-	-	2	2
25.	Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича таъсир чораларини қўллаш	-	-	2	2
26.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларида мониторинг ўтказиш	-	-	2	2
27.	Фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш амалиётини умумлаштириш	-	-	2	2
<i>IV-модуль. Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича самарали фаолиятни таъминлаш</i>		4	-	4	8
28.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясининг асосий йўналишлари ва вазифалари	2	-	-	2
29.	Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки	2	-	-	2
30.	Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг моҳияти (<i>БМТ Қийноқларга қарши қўмита тавсиялари асосида</i>)	-	-	2	2
31.	Аёллар ва бола ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари	-	-	2	2
<i>V-модуль. Касбий этика ва психология</i>		-	2	2	4
32.	Низоли вазиятлар, вақтни бошқариш ва иш жараёнини самарали ташкил этиш. Низоларни ҳал этишнинг самарали усуллари	-	2	-	2
33.	Туман (шаҳар) адлия бўлимлари фаолиятида шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси	-	-	2	2
	Якуний синов	6	-	-	6
Ж А М И:		24	18	24	72

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари

1-мавзу. Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Фуқаролик жамиятининг тушунчаси ва юридик табиати. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамияти институтлари ва улар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда – фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли. Конституция ва қонун устиворлигининг муҳимлиги ва аҳамияти. Қонун устиворлигини таъминлаш – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. Қонунлар ижросини таъминлашнинг юридик, ижтимоий, маънавий ва социологик механизмларини. Қонунларни ҳаётга жорий этишда жамоатчилик назорати самарасини ошириш йўллари.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг вужудга келиши ва ривожланиши. Ўзбекистон қонунларининг янгидан қабул қилиш асослари. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қонунчиликдаги янгиликлар. Жамоатчилик палатаси ва унинг фаолияти асосий йўналишлари. Фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмлари. Авф институти-давлатнинг инсонпарварлик сиёсати намойиши. Суднинг мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонунчиликнинг мазмун-моҳияти. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда амалга оширилган ислохотлар.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган асосий йўналишлар долзарблигининг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмун-моҳияти. Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, давлатни модернизация қилиш. Маъмурий ислохотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш.

4-мавзу. Юридик хизмат тушунчаси, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ташкилий тузилиши. Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган низомлар ва бошқа ҳужжатларни амалиётда қўллаш масалалари

Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши. Юридик хизмат тўғрисидаги низомлар (1933, 1963, 1993, 2007 ва

2017-йиллар). Юридик хизмат фаолиятига тааллуқли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирининг буйруқлари. Юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи локал ҳужжатлар – низомлар ва мансаб йўриқномалари. Юридик хизмат фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.

5-мавзу. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Давлат хизматлари йўналишида қабул қилинган қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасида аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ва уларнинг вазифалари. Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари.

6-мавзу. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмун ва моҳияти

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизимини ривожлантириш. Қонунчилик тизимининг таркибий тузилиши ва таснифи. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси тизими. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида кўзда тутилган устувор йўналишлар. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўллари ва чора-тадбирлари. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиясининг вазифалари.

II-модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти

7-мавзу. Ўзбекистонда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш масалалари (“*Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида).

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини комплекс ва тизимли ислоҳ қилиш босқичлари. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият. Лицензияладиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан бекор қилиш. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўрнига хабардор қилиш тартиби. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қисқартириш. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

Автоматлашган “Лицензия” ахборот тизимини (“Лицензия” АТ).

Рухсат бериш характеридаги маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш. Рухсат бериш характеридаги маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлиги. Лицензия ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга

ҳужжат ҳамда хабарномага тегишли бўлган талаб ва шартларни бажарилишини мониторинги.

8-мавзу. Ўзбекистонда судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш масалалари

Суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Жиноятларни фож этиш фаолиятини янада такомиллаштириш. Жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш. Жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши масалалари. «Электрон жиной-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизими. Тергов органлари фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этиш ва моддий-техник таъминоти. Суд назоратини кучайтириш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари. маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш. Туманлараро маъмурий судлар. Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи. суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш масалалари. Жиноят ишларини судда кўришда дастлабки эшитув босқичи. Судлов таркиби. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг намунавий тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ва ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмалари, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг тузилмаси ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси.

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда улардаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти

Давлатнинг жиноятчиликка ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш сиёсати. Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслардаги охириги ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ва уларга киритилган янги моддаларнинг юридик тавсифи ва аҳамияти. Адлия органлари томонидан жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган янгиликларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишнинг аҳамияти. Жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

10-мавзу. Ўзбекистон Республикасида медиацияни ҳуқуқий асослари кўллашнинг хусусиятлари ва оқибатлари

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг

механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4754-сон Қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида Медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари. Медиация иштирокчиларихамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш.

11-мавзу. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш (“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни асосида)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан маъмурий регламент ҳақида. Маъмурий регламент ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан ўрнатилган маъмурий регламентнинг мазмун-моҳиятининг ўрганилиши. Маъмурий регламент давлат хизматларидан фойдаланилаётган шахснинг ҳуқуқ-манфаатларининг бузилишининг олдини олиши.

III-модуль. Адлия органлари ишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, фаолиятининг асосий йўналишлари

12-мавзу. Мурожаатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, шу жумладан av.iyo.uz тизимида ишлаш, шунингдек, қонун ҳужжатлари ижросини ташкил этиш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни, ижро интизомини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ижро интизомини ташкил этишга қаратилган буйруқларининг мазмун-моҳияти.

13-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш зарурати. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси тушунчаси ва тамойиллари. Ҳуқуқий экспертиза турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга қўйиладиган талаблар. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби. Ҳуқуқий экспертиза ўтказувчи шахсларнинг ваколати ва мажбурияти. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига юридик хулоса бериш масалалари ва уларнинг намунасини тайёрлаш.

14-мавзу. Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш жараёнини мониторинг қилиш ҳамда ваколатли органлар томонидан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексни амалиётда қўллаш масаласи

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарор ҳамда қарор билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга

ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низом мазмун ва моҳияти. Шунингдек, ваколатли органлар томонидан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексни амалиётда қўллаш масаласи юзасидан тегишли тушунтиришлар бериш.

15-мавзу. Адлия органларида коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти. Адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича бўйруқларининг мазмун-моҳияти. Адлия органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва ваколатлари. Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларида ифода этилиши. Адлия вазирлигининг манфаатлар тўқнашувига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

16-мавзу. Бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судларида даъво қўзғатиш тартиби ва амалиёти

Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар. Даъво тушунчаси ва унинг элементлари. Даъвонинг турлари (ижро ва эътироф этиш даъволари). Даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво қўзғатишга бўлган ҳуқуқ, уни амалга ошириш масалалари. Даъво талабларининг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш: тартиби ва оқибатлари. Даъво талабларини бирлаштириш ва ажратиш. Даъвога қарши жавобгар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари. Даъвога қарши эътироз билдириш (моддий ва процессуал ҳуқуқий) асослари. Қарши даъво, қарши даъвони қўзғатиш тартиби. Даъвони таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари.

17-мавзу. Хусусий мулкни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарори мазмун-моҳияти. Эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат бўйича суд томонидан эътибор қаратилиши лозим ҳолатлар. Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар ва мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга оид низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

18-мавзу. Ер муносабатларига оид низоларни судда кўриш амалиёти

Ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ва уларнинг турлари. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судловга ва судга тааллуқлилигига оид қоидалар. Ер муносабатларига оид ишларни ҳўжалик судида қўзғатиш асослари ва процессуал тартиби. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва мазмунан кўриш. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори ва уни ижро этиш - хусусиятлари.

19-мавзу. Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартиш ва бекор қилиш

Меҳнат шартномасини расмийлаштириш ва бу борадаги ислохотлар, ходим розилиги билан ҳамда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини ўзгартириш, меҳнат шартларини ўзгартириш, ижтимоий нафақалар ва компенсациялар.

20-мавзу. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг алоҳида хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, ўзгартиш ва қўшимчалар. Меҳнат шартномасини (контракт) бекор қилишни тартибга солувчи нормаларнинг қўлланилиши. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда юридик хизматларнинг роли. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат кодексига фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг судга ва судловга тааллуқлилиги. Меҳнатга оид низоли ишларда тарафлар ва улар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларни иштирок этиш хусусиятлари. Меҳнатга оид ишлар бўйича исботлаш ва далиллар. Меҳнатга оид ишларни кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари.

21-мавзу. Адлия органлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрганиш ўтказиш тартиби ва ўрганиш натижаси юзасидан тегишли таъсир чорларини қўллаш масалалари

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларда текширишлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғининг мазмун ва моҳияти. Ўтказилган текшириш натижалари юзасидан тегишли таъсир чораларини қўллаш масалаларига доир талаблар бўйича тушунтиришлар.

22-мавзу. Адлия органларининг фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги иштироки

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш. Барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш. Қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш.

23-мавзу. Адлия органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари. Кичик тадбиркорлик субъектлари. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилиш. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун ноқулай бўлган қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлардан кафолатлар. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари. Тадбиркорлик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш кафолатлари. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмаслиги. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни амалга ошираётган мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар.

24-мавзу. Ваколатли органлар томонидан МЖТКни амалиётда қўллаш масаласи

Маъмурий амалиёт билан шуғулланувчи субъектлар, уларнинг ваколоти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши. Ваколатли органлар томонидан маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари ўз ваколатлари доирасида қўлланиш аҳволи.

25-мавзу. Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича таъсир чораларини қўллаш

Адлия органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш асосида уларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки вужудга келиши мумкин қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тақдимнома, огоҳномаларнинг киритилиши амалиётини умумлаштириш.

Бунда адлия органлари фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш. Адлия органларида таъсир чораларининг қўлланилиши бўйича тажриба алмашиш ва бир хил амалиётни жорий этиш

26-мавзу. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларида мониторинг ўтказиш

Адлия органлари томонидан давлат органлари ва ташкилотларида амалга оширалаётган мониторинг тадбирларининг ўтказилиши бўйича амалиётни бир хиллаштириш. Мониторинг тадбирларининг ўтказилаётган ўрганишлардан ўзаро фарқли жиҳатларига тўхталиш.

27-мавзу. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш амалиётини умумлаштириш

